Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# *5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 744
"25" октябр 2018 йил

## СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент архитектура қурилиш институти.
- “Ўзстандарт” Агентлиги, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА

| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | ***5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари*** **магистратура мутахассислигининг умумий таснифи ..............** | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................ | 4 |
| 1.2. | *5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи.............................................................................. | 4 |
| 2. | ***5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари*** **магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ..............................................................................** | **6** |
| 2.1. | Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ........................................................................... | 6 |
| 2.2. | *5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ................................ | 6 |
| 3. | ***5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари*** **магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ..................................** | **8** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ............................................................................ | 8 |
| 3.2. | *5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми....... | 10 |

## 1. *5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

*5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* магистратура мутахассислиги бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Мутахассисликнинг ўқув режа ва фан дастури | Магистр | 2 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари*** мутахассислиги бўйича олий маълумотли магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– мутахассислигини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

*5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* магистратура

мутахассислиги – Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, бино ва иншоотларни қурувчи ва ундан фойдаланувчи, ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотлар мажмуини қамраб олади.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

1.2.2. *5А340302 – **Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари*** **мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- шаҳар транспорт хўжалигига тегишли объектлар, кўчалар, йўллар, ер ости ва ер усти транспорт иншоотлари, уларни қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, эксплуатация қилиш корхона ва ташқилотлари, транспорт хўжалиги объектларининг ер майдонлари, транспорт иншоотларини техник баҳолаш улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ фаолиятларни амалга ошириш жараёнлари, илмий тадқиқот жараёни, ўқув жараёни.

*5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* **мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини кўча ва йўлларини режалаштириш ва лойиҳалаш;
- шаҳар транспорт хўжалиги объектларини текшириш ва уни замонавий қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари, ускуналари, жиҳозларини қўллаган ҳолда, илғор технологиялардан фойдаланиб модернизациялаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- шаҳар транспорт хўжалиги объектларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, қайта тиклаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- йўл транспорт иншоотларининг замонавий талабларга мос равишда янги инженерлик ечимлари устида ишлаш;
- кўча-йўл тармоғини техник эксплуатация қилиш, шаҳар транспорт хўжалиги объектларини техник баҳолаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот-лойиҳалаш институтларида мутахассислигига оид мавзуларда илмий тадқиқот олиб бориш;
- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

1.2.3. *5А340302 – **Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари*** **мутахассислиги бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *илмий-тадқиқот фаолияти;*
- *лойиҳа-конструкторлик фаолияти;*
- *ишлаб чиқариш фаолияти;*
- *ташкилий – бошқарув фаолияти;*
- *эксплуатация ва сервис хизматини кўрсатиш фаолияти;*
- *педагогик фаолият (олий, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).*

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Мутахассислиги бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

Магистратура битирувчилари магистр академик даражани олганидан сўнг олий маълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида катта илмий ходим изланувчи ёки мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришлари мумкин.

## 2. *5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;
- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида хорижий тиллардан бирини эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши; ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- информатика ва ижтимоий информатика, илмий ва ижтимоий ахборотни бир-биридан фарқи ва алоқасини билиш;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндошув шаклланган бўлиши;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакасига эга бўлиши;

- патент олиш учун иш меъёрий хужжатлар тайёрлай олиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳалар тайёрлаш малакасига эга бўлиши лозим.

**2.2. *5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўлларига тегишли янги техник воситалар, тизимлар, технологиялар, жараёнлар, қурилмалар, конструкциялар, янги турдаги қурилиш материаллари ва конструкцияларини, муҳандислик коммуникация тизимларини амалиётга татбиқ этишда, янги машиналар ва автоматлаштирилган тизимларни синовдан ўтказишда иштирок этиш;

- шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўлларидан фойдаланиш соҳасига тегишли назарий, амалий, фундаментал, инновацион ва тажрибавий илмий тадқиқот ишларни амалга ошириш;

- илмий-тадқиқот, лойиҳа институтлари ва баҳолаш консалтинг хизмати марказларда ахборотни ҳимоялашга оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

- ахборот хавфсизлигига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

- республика ва ҳорижда чоп этилган илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда иштирок этиш ва бошқариш;

- интернет тармоғида соҳага тегишли энг янги илмий, технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш ва топиш;

- интернет тармоғида соҳага тегишли энг янги илмий янгилик, технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш, топиш ва амалиётга қўллаш бўйича изланиш олиб бориш;

- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

**Лойиҳа-конструкторлик фаолиятида:**

– шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари объектлари қурилишини лойиҳалашга оид ахборотлар ва бошланғич маълумотларни тўплаш, ҳамда лойиҳалаш ишларини ташкил этиш;

– шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари объектларига тегишли бино ва иншоотларни техник эксплуатацияси;

– шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари объектларининг лойиҳалаш учун қурилиш меъёрлари ва қоидалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

– объектларни қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини тайёрлашда конструктив ечимлар, стандартлар, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига риоя қилиш;

– шаҳарларни ривожлантиришда кўча-йўл тармоғида замонавий лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш;

– лойиҳа ишларида замонавий усуллар ва автоматлаштирилган компьютер-техник воситаларидан фойдаланиш;

– ишлаб чиқилувчи лойиҳалар ва техник ҳужжатларни вазифалар, стандартлар, меъёрлар, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Ишлаб чиқариш фаолиятда:**

– шаҳар транспорт тизимида қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишларини амалга ошириш;

– қурилиш объектларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

– лойиҳалаш, қуриш ва кўчмас мулкдан фойдаланиш соҳаларида намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;

– кўчмас мулк объектлари қурилиши ва улардан фойдаланиш жараёнларида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;

– объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

– намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– шаҳар транспорт хўжалиги объектлари қурилишида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;

– қурилишда техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;

– қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари, ускуналари ва жиҳозлари ишлаб чиқариш ҳамда қурилишга етказиб беришни ташкил этиш;

– шаҳар транспорт хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш;

– транспорт хўжалиги объектларини диагностика қилиш, техник ҳолатини баҳолаш;

– илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– транспорт хўжалиги объектларидан фойдаланиш ҳамда архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни амалга оширишда инновацион технологияларни, илмий янгиликларни, янги технологик жараёнлар ва қурилиш материалларини жорий этиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;

архитектура ва қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

транспорт хўжалиги объектларидан фойдаланиш ҳамда архитектура ва қурилиш соҳасидаги жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш;

архитектура ва қурилиш соҳасига оид замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш

жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– транспорт хўжалиги объектларини қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда уларни ободонлаштириш ишларини амалга ошириш сифатини бошқариш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– транспорт хўжалиги объектларини бошқаришда замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бирламчи ишлаб чиқариш бўғинининг ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;

– мутахассислигига тегишли илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини ва илмий жамоани бошқариш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш ***қобилиятларига эга*** *бўлиши керак.*

**Эксплуатация ва сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:**

- транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари объектларини техник баҳолаш хизматларини кўрсатиш;

- қурилиш-таъмирлаш ишларини ташкил этиш бўйича хизмат кўрсатиш;

- транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари объектларидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш бўйича сервис хизматлари кўрсатиш;

- объектларнинг муҳандислик коммуникация тизимларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

- транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари объектларининг конструкциялари, ускуналари, муҳандислик тизимлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, таъмирлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидалари ва технологиясини билиши;

- транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари объектларининг конструкциялари, муҳандислик тизимлари ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини текшириш ва қолдиқ ресурсини техник баҳолаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

**Педагогик фаолиятида** *(олий, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида***:**

– олий, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича мутахассислик фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

– *шаҳар транспорт хўжалиги объектларидан фойдаланиш ҳамда қурилиш ва* таъмирлаш соҳасига тегишли назарий, амалий, фундаментал, инновацион ва тажрибавий илмий тадқиқот ишларини амалга оширилишида иштирок этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

## 3. *5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари*** магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар;

мутахассислик фанлар;

илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эхтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини хисобга олиши керак.

ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодий ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ззаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар уйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларни утказишни, талабаларнинг касбий шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қулланиладиган замонавий педагогик технологиялар, укитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қуллашни назарда тутиши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қуйиладиган умумий талаблар

**Умумметодологик фанлар блоки:**

миллий ғоя ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг боғлиқлигини ва унинг асосий мақсадларини англаши;

тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини билиши;

таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириши, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириши ва ташкил этиши;

ахборот тизимларини ташкил этиши ва бошқариши;

нутқнинг коммуникатив сифатли бўлишини таъминлаши;

амалдаги қонунчилик нормаларини қўллаш орқали ҳуқуқий масалалаларни ҳал қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Мутахассислик фанлари блоки:**

шаҳарларни ривожлантиришда кўча ва йўлларни режалаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш;

шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари йўлларини режалаштириш ва ободонлаштиришда инженерлик ободонлаштиришнинг замонавий ютуқларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

йўл транспорт иншоотларининг шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда конструктив ечимларини ишлаб чиқиш;

кўча ва йўлларнинг илғор, ҳудудий шарт-шароитларга нисбатан инженерлик ечимларини ишлаб чиқиш;

кўча ва йўл тармоғини ташкил этувчи объектларни техник диагностика қилиш, улардан фойдаланиш, техник эксплуатациясини ташкил этиш;

шаҳар ҳудудларини комплекс равишда инженерлик ободонлаштиришда ҳудудий специфик муаммолар ечимини ишлаб чиқиш;

магистратура мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантириши;

магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадкикот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий ўқув ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси узлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида, архитектура ва қурилиш соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий фаолият:** илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:**

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

**Илмий-педагогик ишлар:**

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш уқуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

***Стажировка:***

Соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш;

фан, соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

***Танлов фанлари:***

*Мутахассислик бўйича фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама хажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 36 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингента хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида узлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

| | |
|---|---|
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 54 ҳафта |
| Илмий амалиёт (стажировка) | 21 ҳафта |
| Аттестациялар | 7 ҳафта |
| Таътиллар | 18 ҳафта |

таътиллар - 18%;

илмий фаолият - 21%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календар иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш-70-75%;

илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25 - 30%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар - 18,2%;

мутахассислик фанлари - 54,6%;

танлов фанлари - 27,2%.

*5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари мутахассислиги бўйича таълим дастурининг тузилиши*

| Т/р | Фанлар блоклари ва интеграллаштирилган курслар | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Умумметодологик фанлар** | **260** |
| 1.01 | Илмий-тадқиқот методологияси | 65 |
| 1.02 | Махсус фанларни ўқитиш методикаси | 65 |
| 1.03 | Амалий хорижий тил | 130 |
| **2.00** | **Мутахассислик фанлари** | **778** |
| 2.01 | Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари йўлларини режалаштириш | 222 |
| 2.02 | Шаҳар транспорти иншоотларининг инженерлик ечимлари | 222 |
| 2.03 | Шаҳар ҳудудини комплекс ободонлаштириш | 168 |
| 2.04 | Шаҳар кўча-йўл тармоғини техник эксплуатацияси | 166 |
| ***3.00*** | ***Танлов фанлари*** | **388** |
| | **Жами:** | **1426** |
| **4.00** | **Илмий фаолият** | **2516** |
| 4.01 | Илмий-тадқиқот ва илмий педагогик иш, магистрлик диссертациясини тайёрлаш | 1102 |
| 4.02 | Илмий семинар | 388 |
| 4.03 | Илмий амалиёт (стажировка) | 1026 |
| | **ҲАММАСИ** | **3942** |

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модул, мутахассислиги, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг асосий ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профил, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, транспорт хўжалиги, транспорт тугунлари, транспорт иншоотлари, кўчалар, турли сатҳдаги кесишмалар, кўчаларнинг ўтказиш қобилияти, картограмма, кўча-йўл тармоғи зичлиги, чорраҳаларни вертикал режалаштириш, йўллар, магистраллар, эстакадалар, кўприклар, йўл полотнаси, йўлларни режалаштириш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, вертикал режалаштириш, иншоотларни техник баҳолаш, эксплуатация қилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, қайта тиклаш, модернизациялаш.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент архитектура қурилиш институти**

Ректор_____________**Р.Р. Ҳакимов**

201_8_ йил «_03_» _август_

М.Ў.

**"ТошкентбошпланЛИТИ" ДУК**

Бош директор ___________ **Р.Шарифов**

201_8_ йил «_03_» _август_.

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини**
**Ривожлантириш маркази**

Директор_____________**проф. Б.Ҳ.Раҳимов**

201_8_ йил «_8_» _08_

М.Ў.

"Йўл-лойиҳа бюроси" МЧЖ

Директор___________**С.С.Кахаров**

201_8_ йил «_08_» _август_.

М.Ў.

"Архитектура-қурилишда интеграция ва инновация маркази" ШК

Директор___________**Ш.П. Мирзаев**

201_8_ йил «_08_» _август_.

М.Ў.

**Тошкент архитектура қурилиш институти 5310900-Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (қурилиш), 5340300-Шаҳар қурилиши ва хўжалиги бакалавр таълим йўналишлари, 5А310902- Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (қурилиш), 5А340302-Шаҳар транспорти хўжалиги ва алоқа йўллари магистратура мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари мазмуни бўйича ишчи гуруҳнинг келишув варақаси**

| № | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзолари | Аъзоларнинг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Раис | А.Мирисаев | ТАҚИ ўқув ишлари проректори, т.ф.н., доцент. | |
| | Аъзолар: | | | |
| 2 | С.Маҳкамов | ТАҚИ ўқув-услубий бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент. | ТАҚИ ўқув-услубий бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент. | |
| 3 | О.Маманазаров | Қурилишни бошқариш факультети декани, и.ф.н., доц. | Қурилишни бошқариш факультети декани, и.ф.н., доц. | |
| 4 | А.Хотамов | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедра мудири, т.ф.н., доцент. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедра мудири, т.ф.н., доцент. | |
| 5 | О.Хакимов | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси профессори, т.ф.д. профессор. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси профессори, т.ф.д. профессор. | |
| 6 | С.Ходжаев | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси профессори, т.ф.д., профессор. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси профессори, т.ф.д., профессор. | |
| 7 | А.Шахидов | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси профессори, т.ф.д. профессор. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси профессори, т.ф.д. профессор. | |
| 8 | Н.Мўминов | "Ўзстандарт" Агентлиги, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти лойиха рахбари, т.ф.д. профессор. | "Ўзстандарт" Агентлиги, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти лойиха рахбари, т.ф.д. профессор. | |
| 9 | Ш.Шоджалилов | "PROEKT DOMINANTE" МЧЖ директори ўринбосари, т.ф.н., доцент. | "PROEKT DOMINANTE" МЧЖ директори ўринбосари, т.ф.н., доцент. | |
| 10 | С.Косимова | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси доценти, т.ф.н., доцент. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси доценти, т.ф.н., доцент. | |
| 11 | Қ.Усмонов | Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси доценти, т.ф.н., доцент. | Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси доценти, т.ф.н., доцент. | |
| 12 | Н.Толипова | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси доценти, доцент. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси доценти, доцент. | |
| 13 | Б.Муталова | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси катта ўқитувчиси. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси катта ўқитувчиси. | |
| 14 | К.Абдуллаева | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси ассистенти. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси ассистенти. | |
| 15 | Х.Мукимов | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси таянч докторанти. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси ассистенти. | |
| 16 | Ў.Рустамов | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси ассистенти. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси ассистенти. | |
| 17 | М.Темишов | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси ассистенти. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси ассистенти. | |

Ректор **Р.Ҳакимов**

Ўқув ишлари бўйича проректор **А.Мирисаев**

Ўқув-услубий бўлими бошлиғи **С.Маҳкамов**

Факультет декани **О.Маманазаров**

## Ижодий гуруҳ раиси ва аъзолари
## Ижодий гуруҳ раиси ва ўринбосари

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Ижодий гуруҳ раиси** | **О.Ш.Маманазаров** | **Қурилишни бошқариш факультети декани** | |
| **Ижодий гуруҳ раиси ўринбосари** | **А.Т. Хотамов** | **Шаҳар қурилиши ва хўжалиги кафедраси мудири** | |

## Ижодий гуруҳ аъзолари

| **Т/р** | **Ўқув фанлари (курслар)и нинг номи** | **Таянч ОТМдан** | | **Турдош ОТМдан, асосий кадрлар истеъмолчиларидан** | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони** | **Имзо** | **Ф.И.Ш., ловозими, илмий даражаси ва унвони** | **Имзо** |
| **2.00** | **Мутахассислик фанлари** | | | | |
| 2.01 | Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари йўлларини режалаштириш | Усмонов Қ.Т., Техника фанлари номзоди, доцент | | Шоджалилов Ш., техника фанлари номзоди, доцент | |
| 2.02 | Шаҳар транспорти иншоотларининг инженерлик ечимлари | Шахидов А.Ф., техника фанлари доктори, проф. | | Шоджалилов Ш., техника фанлари номзоди, доцент | |
| 2.03 | Шаҳар худудини комплекс ободонлаштириш | Хотамов А.Т., техника фанлари номзоди, доцент | | Қамбаров Д.С., техника фанлари номзоди, доцент | |
| 2.04 | Шаҳар кўча-йўл тармоғини техник эксплуатацияси | Хотамов А.Т., техника фанлари номзоди, доцент | | Шоджалилов Ш., техника фанлари номзоди, доцент | |

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг*
*2015 йил 24апрелдаги 84-01-91-сонли*
*хатига илова*

**“ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ” МЧЖ**

Вазирлик (идора) номи

**Магистратура мутахассисликлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг магистратура мутахассисислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари**

| т/р | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган магистратура мутахассислиги | | Магистратура мутахассисликлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг битирувчиларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари |
|---|---|---|---|
| | **шифри** | **Номи** | |
| | | | |
| 1 | **5А340302** | ***Шаҳар транспорти хўжалиги ва алоқа йўллари*** | **Касбий фаолиятнинг соҳалари:**<br>Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, бино ва иншоотларни қурувчи ва ундан фойдаланувчи, ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотлар мажмуини қамраб олади.<br>**Касбий фаолиятнинг объектлари:**<br>шаҳар транспорт хўжалигига тегишли объектлар, кўчалар, йўллар, ер ости ва ер усти транспорт иншоотлари, уларни қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, эксплуатация қилиш корхона ва ташкилотлари, транспорт хўжалиги объектларининг ер майдонлари, транспорт иншоотларини техник баҳолаш улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ фаолиятларни амалга ошириш жараёнлари, илмий тадқиқот жараёни, ўқув жараёнлари масалаларини қамраб олади.<br>**Касбий фаолиятнинг турлари:**<br>- *илмий-тадқиқот фаолияти;*<br>- *лойиҳа-конструкторлик фаолияти;*<br>- *ишлаб чиқариш фаолияти;*<br>- *ташкилий – бошқарув фаолияти;*<br>- *эксплуатация ва сервис хизматини кўрсатиш фаолияти;* |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | - *педагогик фаолият (олий, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).*<br>**Касбий фаолиятнинг умумий малака талаблари:**<br>- шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини кўча ва йўлларини режалаштириш ва лойиҳалаш;<br>- шаҳар транспорт хўжалиги объектларини текшириш ва уни замонавий қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари, ускуналари, жиҳозларини қўллаган ҳолда, илғор технологиялардан фойдаланиб модернизациялаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;<br>- шаҳар транспорт хўжалиги объектларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш, қайта тиклаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;<br>- йўл транспорт иншоотларининг замонавий талабларга мос равишда янги инженерлик ечимлари устида ишлаш;<br>- кўча-йўл тармоғини техник эксплуатация қилиш, шаҳар транспорт хўжалиги объектларини техник баҳолаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш;<br>- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот-лойиҳалаш институтларида мутахассислигига оид мавзуларда илмий тадқиқот олиб бориш;<br>- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш ва шу кабиларни ўз ичига олади.<br>- шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўлларига тегишли янги техник воситалар, тизимлар, технологиялар, жараёнлар, қурилмалар, конструкциялар, янги турдаги қурилиш материаллари ва конструкцияларини, муҳандислик коммуникация тизимларини амалиётга татбиқ этишда, янги машиналар ва автоматлаштирилган тизимларни синовдан ўтказишда иштирок этиш;<br>- шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўлларидан фойдаланиш соҳасига тегишли назарий, амалий, фундаментал, инновацион ва тажрибавий илмий тадқиқот ишларни амалга ошириш;<br>- илмий-тадқиқот, лойиҳа институтлари ва баҳолаш консалтинг хизмати марказларда ахборотни ҳимоялашга оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;<br>- ахборот хавфсизлигига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;<br>- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;<br>- республика ва хорижда чоп этилган илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | – шаҳар транспорт тизимида қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун қурилиш меъёрлари ва қоидалари, нормалари, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатлари ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;<br>– Объектларни қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини тайёрлашда конструктив ечимлар, стандартлар, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига риоя қилиш;<br>– транспорт хўжалиги объектларидан фойдаланиш ҳамда архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни амалга оширишда инновацион технологияларни, илмий янгиликларни, янги технологик жараёнлар ва қурилиш материалларини жорий этиш;<br>– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат ҳавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;<br>– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот-лойиҳалаш институтларида мутахассислигига оид мавзуларда илмий тадқиқот олиб бориш;<br>– олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш;<br>– иш сифати учун масъулиятни хис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш;<br>– илмий манбаларга асосланган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ва бошқалар. |

Изоҳ. 1. Жадвал вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича битирувчининг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган аниқ талаблар асосида тўлдириш тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қабул қилинади.

2. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификатори Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори билан тасдиқланган.

**Бош директор** **Кахаров С.С.**

**Таълим бўйича масъул бўлинма раҳбари**

**Кадрлар бўлими**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322-сонли хати ижроси таъминлаш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш институтида қайта ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини турдош Олий таълим муассасалари билан

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. "8" 08 2018 й.

Қатнашдилар:-Р.Ҳакимов-Тошкент архитектура қурилиш институти ректори Р. Ҳакимов, А.Мирисаев-ТАҚИ ўқув ишлари бўйича проректори, Б.Эргашев-НамМҚИ ўқув ишлари бўйича проректори, С.Махкамов-ТАҚИ ўқув бўлими бошлиғи, М.Хаджибеков-СамДАҚИ ўқув бўлими бошлиғи, А.Кўчимов-ЖизПИ ўқув бўлими бошлиғи, Т.Жўраев-НамМҚИ-ўқув бўлими бошлиғи, Р.Ходжаев-ТАҚИ магистратура бўлими бошлиғи, И.Алиев-ТАҚИ Бино ва иншоотлар факультети декани, Ш.Рейимбоев-ТАҚИ Архитектура факультети декани, С.Нарбаев-ТАҚИ Муҳандислик қурилиш инфраструктураси факультети декани, И.Бозоров, Н.Тошматов, М.Алиев-ЖизПИ кафедра мудирлари, Р.Ачилдиев. С.Бобоев, Қ.Якубов, А.Мирзаев, А.Уралов-СамДАҚИ кафедра мудирлари, М.Хонкелдиев, А.Мирзаев, М.Узбоев- СамДАҚИ профессор-ўқитувчилари, Ж.Ахмедов, М.Толипов, М.Давлятов, Х.Маматов – ФарПИ кафедра мудирлари, С.Абдураҳмонов, С.Холмирзаев, Ш.Жўраев-НамМҚИ кафедра мудирлари, Ш.Мирзаев-БухМТИ кафедра мудири, Э.Акимов-УрДУ кафедра мудири, Б.Қидирбаев, Р.Курбанбаев, Г.Утегенова-ҚҚДУ кафедра мудирлари, З.Аматов, Б.Қаландаров-ТерДУ кафедра мудирлари, ТАҚИнинг барча мутахассислик кафедраси мудирлари, Қ.Раҳимов-Менежмент кафедраси катта ўқитувчиси.

## КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322-сонли хатида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент архитектура қурилиш институти Ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори" асосида таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларининг муҳокамаси:

Сўзга чиқди: **Р.Ҳакимов-Сизларга маълумки,** охирги йилларда олий таълим муассасаларида таълим сифатини, тайёрланаётган кадрлар рақобатбардошлиги оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровлиислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорлари қабул қилинди ҳамда таълим тизимида кенг қамровли ислоҳотлар бошланди. Айниқса, талабалар амалиётига катта эътибор қаратилмоқда. Биз иш берувчи корхоналардан битирувчиларнинг малака талабларини ўрганганимизда, битирувчи талабалар "Смета иши"ни билмаслигидан нолишмоқда. Янги ўқув режаларни тайёрлашда кадрлар буюртмачиларининг талабларини инобатга олишларингизни, нима қилсак талабаларга яхши бўлади, деган саволга жавоб топишларингизни сўрайман.

Сўзга чиқди: А.Мирисаев-бу йил ўқув режаларни ишлаб чиқишда баъзи бир ўзига хосликлар бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322-сонли хатида белгиланган вазифаларга асосан. биринчидан. ўқув режадаги назарий ва амалий таълим 136 ҳафтадан 128 ҳафтага камайтирилди, малакавий амалиётлар 13-14 ҳафтадан 22 ҳафтагача оширилди. Иккинчидан. ҳафталик ўқув юкламалари 32 соатдан 30 соатга қисқартирилди. Учинчидан, ўтган йиллардаги ўқув режаларнинг биринчи ва иккинчи блоклари бирлаштирилиб, жами 15 та фандан 10 тага туширилди. Тўртинчидан, ўқув режадаги жами фанлар сонини 36 тадан оширмаслик, бунда қўшимча фанлар блоки, танлов фанлари ҳам инобатга олинади.

Мана сизларга, намуна сифатида *"Қурилиш материаллари, буюмлари ва* конструкцияларини ишлаб чиқариш" ва "Бино ва иншоотлар қурилиши" таълим йўналишларининг ўқув режаларини кўрсатиб ўтаман. Ўқув режаларнинг 1-блокидаги 6 та фан Вазирлик томонидан туширилди. Семестрлардаги ҳафталар миқдорини қуйидагича белгиладик: 1-4-семестрларда 18 ҳафтадан, 4-8-семестрларда 14 ҳафтадан. Малакавий амалиёт эса 22 ҳафтага кўтарилди.

Мана институтимиз мутахассислари томонидан тайёрланган ўқув режа билан танишиб чиқдингиз. Нима саволларингиз бўлса, муҳокама қилишга тайёрмиз. Савол жавобда СамДАҚИ, ЖизПИ, УрДУ, ФерПИ, НамМҚИ ўқув бўлими бошлиқлари, кафедра мудирлари иштирок этишди, саволларга А. Мирисаев жавоб берди.

Сўзга чиқди: М.Хонкелдиев-кўп йиллар СамДАҚИда турли лавозимларда ишлаганман, бу соҳада анча тажрибам бор. ТАҚИда ўқув режалари ишлаб чиқилибди, келишиш учун бизларни таклиф қилган экан, бундан жуда хурсандмиз. Аввало сифатли кадрлар тайёрлашда замон ўзгаришларини инобатга олишимиз керак, энг муҳими ўқув режалардаги фанларни аниқ кетма-кетлик асосида, етарли соатлар билан қўйишимиз керак. Янги тайёрланган ўқув режаларда малакавий амалиётлар деярли 2 баравар кўпайгани жуда яхши бўлди. Талабаларимиз аниқ объекларда бўлишади, қурилиш меъёрий ҳужжатлари билан кўпроқ танишиш имкониятига эга бўлишади.

